



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯНИНГ “ЛУКОЙЛ” КОМПАНИЯСИ РАЎБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни “ЛУКОЙЛ” компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда Россиянинг етакчи нефть-газ компанияси иштирокидаги устувор инвестиция ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилишининг бориши тўғрисида батафсил маълумот берди.

Бугунги кунда “ЛУКОЙЛ” Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритаётган энг йирик инвесторлардан бири эканини таъкидлаш жоиз. Инвестициялар ҳажми 10 миллиард долларга етмоқда.

Хусусан, 8 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газни қайта ишлаш қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш заводи фаолият юритмоқда. Ҳаузак ва Шоди конлари, Жануби-Фарбий Ҳисордаги конлар ўзлаштирилмоқда. Муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Сухбат чоғида пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш ва “ЛУКОЙЛ” компанияси билан стратегик ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган идоралараро ишчи гуруҳ тузиши ва “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТИББИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ЯНГИ ЗАВОДДА

Йилига 500 донга ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппарати ишлаб чиқарилади



Бугунги кунда дунё миқёсида замонавий тиббий технологияларга талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги технологияларни кашф этиш ва ўзлаштиришни тақозо этади. Айни шу мақсадда ўтган йилнинг апрель ойида Инновацион ривожланиш вазирлиги “Shimco Group” компанияси билан ҳамкорлик меморандуми имзолаган эди. Ана шу келишув натижасида “Chirana Asia” Словакия – Россия – Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил этилиб, йилига 500 донга ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппарати ва 200 донга наркоз-нафас олиш аппарати ишлаб чиқариш имкониятига эга завод иш бошлади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

НУРЛИ ОҶАНГЛАР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ШЕЪРИЯТ

Қарши шаҳридан уч-тўрт чақирим нарида бир пайтлар арши аъло билан сирлашган, ҳозир эса кексайиб, ер қаърига тобора кириб бораётган Қўнғиртоғ исми тоғ бор. Бу тоғнинг этагида қадим даврларда ўзбекнинг неқўз номли уруғи яшаган. Бугун ўзбек элатининг бошқа турфа уруғлари сингари неқўз ҳам халқнинг улуғ ва бепоён уммонига сингиб-қўшилиб кетган. Ҳозир ўша уруғга мансуб аждодлар яшаган жой Неқўз деб аталади. Бундан роса саксон йил муқаддам – 1941 йил 21 мартда Неқўз қишлоғида Наврўз байрами куни бир фарзанд туғилди. Бу фарзанднинг номи бугун бутун дунёга машҳур шоир Абдулла Ориповдир.

Абдулла саккиз болали оиланинг кенжа фарзанди бўлгани учун отаси унинг бошқа акалари қатори Қарши ёки Тошкентга бориб ўқишни дастлаб истамди. Боғбон ота ўзининг бу ўлмас эли-юртини ноз-неъматлар билан таъминлайдиган, ўзи ҳам самарасидан бебаҳра қолмайдиган хунарини сеvimли фарзандига мерос қилиб қолдирмоқчи эди. Лекин тақдир тақозоси олдида отанинг бу эзгу нияти ҳам рўёбга чиқмай қолди.

▶ Давоми 6-бетда

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

“МАҲАЛЛАБАЙ” ВА “ХОНАДОНБАЙ” ЁНДАШУВ — НАТИЖАДОР ВА САМАРАЛИ ТИЗИМ

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ҳар куни янгидан-янги ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан очиқ-ошқора мулоқот қилишнинг янгича тизими – Халқ қабулхоналари институти ўтган вақт мобайнида бажарилган ишлардан кўра ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар янада кўпроқ эканини аниқлаб берди.

адолатни таъминлаш имкониятини яратди. Қисқача айтганда, халқ ичига кириб борилди. Одамларнинг юракларида йиғилиб қолган дардлари, аллақачон ҳал қилиниши мумкин бўлган-у, лекин тўрачилик, ўзибўларчилик, сан-соларлик оқибатида йиллар давомида ечилмай келган муаммолар юзага чиқа бошлади. Энг муҳими, одамлар дардини айтиши, каттаю кичик идоралар раҳбарлари билан юзма-юз гаплашиши, ўзини қийнаётган масалаларига қисқа фурсатда ечим топиши учун қулай имконият юзага келди. Нафақат муаммолар, уларнинг талаб ва тақлифлари ҳам йиғилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиши йўлга қўйилди.

Халқ қабулхоналарида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари белгиланган тартибда, ҳолислик тамойиллари асосида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига олий қадрият сифатида қаралаётганининг ёрқин ифодасидир.

▶ Давоми 3-бетда

ХУДУДЛАРИМИЗДА


САНОАТЛАШАЁТГАН ВОҶА

Куни кеча давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Вилоятда жорий йилда умумий қиймати

11 триллион 300 миллиард сўм бўлган 1 минг 125 та ҳудудий лойиҳа тайёрланган. Шундан 296 та корхона саноатга доир, 449 таси хизмат кўрсатиш соҳасида, 380 таси эса қишлоқ хўжалиги тармоғида ташкил этилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 19 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Янги барпо этиладиган корхоналарда йилига 6 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бу 131 миллион долларлик импорт ўрнини босиш, 180 миллион долларлик экспорт қилиш имконини беради.

▶ Давоми 4-бетда



ТИББИЁТ ВА ИСЛОҲОТ



Ҳажим Йўлдошев олган суратлар.

ЯНГИ ЗАВОДДА

Йилига 500 дона ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппарати ишлаб чиқарилади

Бошланиши 1-бетда

Лойҳанинг умумий қиймати 6 миллион долларни ташкил этади. Бунинг натижасида 100 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Дастлаб 2 миллион доллар миқдорда инвестиция қилиниб, мазкур турдаги аппаратни йиғиш цехи ишлаб чиқарилади.

Бундай аппаратлар дунё бўйича атиги 12 мамлакатда ишлаб чиқарилади, — дейди Словакия Республикаси ташқи ва Европа ишлари вазирлигининг давлат котиби Ингрид Броцкова. — Компания маҳсулотлари дунёнинг машҳур брендлари “Драгер” (Германия), Гамилтон (Швейцария) тиббий жиҳозлари қаторидан ўрин олиб, бошқа моделлардан фарқи равишда бир ва икки эмас, уч босқичли вентиляцияни амалга оширади. Бундай тиббий жиҳозлар Марказий Осиёда илк марта ишлаб чиқарилмади. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт соҳасида импортни таъминлаш ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўтган йил май ойида ушбу корхона синов тарихида ўпка сунъий вентиляцияси аппаратининг илк нусхасини ишлаб чиқарган, тегишли сертификат ва рухсатнома олинган, уни Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонасига тақдим этган эди. Янги тех-

нология синовдан муваффақиятли ўтди, амалиётчи реаниматологлар томонидан юқори баҳоланди.

— Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий вазифаси давлат органи сифатида замонавий инновацион технологиялар трансферини амалга оширишдан иборат, — дейди инновацион ривожланиш вазир Иброҳим Абдурахмонов. — Мазкур лойиҳа устида бундан бир йил муқаддам иш бошлаган эдик. Бу ерда нафақат ўпка сунъий вентиляция қилиш аппаратлари ишлаб чиқарилади, балки тиббиёт ходимларини янги жиҳозлар билан ишлашга ўргатади. Мазкур тиббий жиҳозлар инновацион янгилик саналади. Қурилма 40 дан зиёд функцияни бажаради. Инновацион асос-ускуналари ишлаб чиқариб, фойдаланишга топшириш — биринчи масала бўлса, уларни тўғри ишлатиб, беморлар опирини энгил қилиш, уларга малакали хизмат кўрсатиш — иккинчи масала саналади. Чунки бу инновацион технологияни ишлатиш кўникмаси ҳали кўпчилида шаклланимаган. Шу боис олдимизда турган энг катта вазифалардан бири бу ерда ўқув-тренинг маркази фаолиятини самарали йўлга қўйишдир. Марказда шифокорларимизга ушбу технологиялар билан ишлаш ўргатилади ва ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам беморни кризисдан олиб чиқишга имконият яратилади.

Заводга хориждан юқори малакали анестезиологлар тақлиф қилиниб, миллий кадрлар тайёрлаш, тиббий жиҳозлардан фойдаланиш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилади. Бу ерда тиббиёт муассасалари мутахассислари учун махсус симуляторлар билан жиҳозланган замонавий ўқув хоналари барпо этилган.

Бундан ташқари, тиббий жиҳозларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун замонавий мобил сервис хизмати ташкил этилди.

— Ушбу завод фаолиятини янада кенгайтириш ва йилига мингта шундай аппаратни ишлаб чиқариш режалаштирилган, — деди Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икрамов. — Бу тиббий жиҳозлар инновацион бўлиш билан бирга нархи ҳам арзон. Четдан кириб келаётган шундай маҳсулотларга нисбатан 30 фоиз арзон нархда ишлаб чиқарилапти.

Бу турдаги маҳсулотларни келажакда кўшни давлатлар — Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилиш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остида янги, инновацион маҳсулотлар экспорт қилинишига хизмат қилади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҚАРОР ВА ИЖРО

ПАТЕНТ ЮРТИМИЗДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Пойтахтимиздаги “Ишга Марҳамат” мономарказида Россиянинг Москва шаҳридаги кўп тармоқли миграция маркази филиали очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вакиллари, россиялик мутахассислар иштирок этди.



Тадбирда қайд этилганидек, меҳнат миграцияси бугунги глобаллашган дунёда тобора жадаллашаётган муҳим жараёндир. Халқаро тажриба кўрсатмоқдаки, қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик ва жамиятдаги бошқа иқтисодий-ижтимоий муаммолар оқилона ечим топмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам шу йўналишда ўз ечимини қутаётган муҳим масалаларни изчиллик билан ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижро этилиши билан адо этилиши натижасида бугунги кунга келиб хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича замонавий тизим яратилди. Хорижда ва юртимизда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ва оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

аҳолини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Россиянинг қатор ваколатли ташкилотлари билан меҳнат миграцияси масалалари юзасидан музокаралар ўтказилиб, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

— Россия ҳудудига ишлаш талаб этиладиган патентни расмийлаштириш меҳнат мигрантларидан ортиқча вақт ва харажат талаб этади, — дейди бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Э.Мухидинов. — Пойтахтимизда Москвадаги кўп тармоқли миграция маркази филиали очилиши Россияда ишлаш истагидидаги фуқаролар учун бу борада катта қулайлик яратилади. Ушбу филиал орқали патент учун талаб этиладиган ҳужжатларнинг аксарият қисми Ўзбекистонда топширилади.

Кўп тармоқли миграция маркази Москва шаҳри ва вилоятида ишлаш истагидида чет эллик фуқаролар учун патент расмийлаштириш хизматини кўрсатади. Хусусан, Россияда ишлаш истагидида бўлган фуқароларни танлаш, касбий малакасини баҳолаш, иш беврувчилар билан суҳбат ташкил этиш,

ушбу давлатга кириш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ тақиқларни текшириш, меҳнат мигрантларига ишга жойлаштириш, ишлаш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, пандемия билан боғлиқ чекловларни инобатга олган ҳолда мамлакатда бўлиш тартиблари бўйича маслаҳат бериш, уларнинг Россияга кириб боришига қўмақлашиш ва бўлиш иш ўринлари ҳақида маълумот улашиш каби хизматлар шулар жумласидандир.

Россияда ишлаш истагидидаги фуқаро ушбу филиалда тўлдирган бирламчи ҳужжатлар Москва шаҳридаги кўп тармоқли миграция марказига топширилади ва тезлаштирилган тартибда патент олиш имконияти яратилади. Келгусида филиал фаолиятини кенгайтириш, юртимизнинг турли ҳудудларида хориждаги шундай ташкилотларнинг филиалларини очиб режалаштирилган.

Тадбир доирасида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Москва шаҳридаги кўп тармоқли миграция маркази ҳамда “Кросс” масъулияти чекланган жамияти ўртасида фуқароларни ташкиллаштирилган ҳолда хорижга ишга жабда этиш бўйича уч томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

БУГУННИНГ ГАПИ

ОДАМЛАР ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАЙДИ

Одилжон ИБРОҲИМОВ, Фарғона политехника институти профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ёшларни иш билан таъминлаш, “маҳаллабай” тизимига таянган ҳолда, “ўсиш нуқталари”ни белгилаш, камбағалликни қисқартириш бугунги куннинг энг муҳим вазифалари сирасига киради.

Президентимиз шу йил февраль ойи бошида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ерларни ажратиб бериш орқали ҳудудларда 200 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлашга кўрсатма берди. Чўл жойлар, яйлов ва адирликларда 33 минг гектар ер ўзлаштирилади. Бунга сарфланган 350 миллиард сўмлик харажатнинг 110 миллиард сўми субсидия ҳисобидан қоплаб берилди.

Вилоятимиз мамлакатимизнинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудудларидан биридир. Ер ресурслари чекланган, четдан қўшиб олинмаган, янгидан ўзлаштириладиган ерлар чегаралангани кўп сонли аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратишга мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Ер — бебаҳо бойлик. У инсонни кийинтиради, боқади. Энг катта бойлигимиз — заманимиз бор экан, нима учун ёшларимиз бекор юриши ёки чет элларга иш излаб бориши, ойлаб, йиллаб оиласидан, яқинларидан узокда юриши керак? Ердан самарали фойдаланиш ана шундай ҳаётий муаммоларга ечим эмасми?

Президентимиз ушбу долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган оқилона йўللارни белгилаб берди. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар-

га, “Ёшлар дафтари” рўйхатида турган йигит-қизларга ўзи истиқомат қилиб турган туманидан, қишлоғидан ерлар ажратиб берилапти. Хусусан, Олтиариқ туманидаги “Янгиараб” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига давлат захирасида бўлган 30 гектар қир-адирлар ўзлаштирилиб, 2 та кооперативга асос солинди. 120 нафар ишсиз фуқарога 0,16 гектардан ер ажратилди, уларнинг 80 нафарини ёшлар ташкил қилади.

Ер олган опа-сингилларимизнинг қувончи бир олам, ёшларнинг шижоати, ғайрати баланд, аҳди қатъий, мақсади улуг. Улар эртанги кунга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Чунки қишлоқ фарзанди, деҳқон боласи эмасми, ризқ-рўз яратиш қўлидан келади. Боқиманда бўлмади.

Масалан, Бўрбонлиқ қишлоғидаги ёшларнинг муайян қисми ерни олиши билан иссиқхоналар барпо қилишди. Унга помидор, қалампир ва резаворлар экишди. Маҳсулотлар 40-50 кунда пишиб етилади. Яхши даромад олиш мумкин. Мўъжаз иссиқхонага катта харажат кетмайди. Уни қуришда ёғочдан фойдаланилапти. Плёнканинг нархи ҳам юқори эмас. Қолаверса, ер олган ёшларга банк имтиёзли кредитлар тақлиф этилапти.

Ерни бўлган йигит-қизларнинг бири картошка эккан бўлса, бошқаси мош-

дан, яна бири сабзавотдан даромад олишни кўзлаяпти. Назаримда, бу борада ҳам илму таҳлилга асосланиса, албатта, муваффақиятга эришилади. Оруз-ҳавас билан қилинган меҳнат, сарфланган вақт ва маблағнинг зое кетишидан ёмони йўқ. Шу боис, энг аввало, ҳар бир маҳсулотни етиштиришга киришишдан олдин бозорини ўйлаш керак. Бозори бор маҳсулотнинг харидори аниқ бўлади. Акс ҳолда харажатларга куйиб қолиш ҳеч гап эмас.

Олтиариқ тумани шароитида картошка етиштириш ҳам яхши даромад келтиради. Чунки кўкпал кирмай экилгани чилги ҳосил беради. Эртаги картошка бозорда пул бўлади. Ер бўшагач, ўрнига мош экиш мумкин. Унинг ҳосили харидорғир. Ички бозорда нархи чакки эмас. Экспорти ҳам яхши йўлга қўйилган. Яна бир томони, уни бир муддат сақлаб, исталган пайтда ички бозорга чиқариш ёки чет элга жўнатиш мумкин. Такрорий экин сифатида парваришланган турп, шолғом, сабзи, қизил лавлагининг асфаллиги ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Чунки улар ноябрь ойида пишиб етилади, ҳосилни оддий қўлбола усулда яна 4-5 ой давомида сара сақласа бўлади.

Аслида ҳар бир экин турини оқилона ўйлаб, сўнгра экиш мақсадида мувофиқ. Бунда олимлар, мутахассисларнинг тавсиялари, хулосаларидан фойдаланиш асослади. Хусусан, тумандаги “Файзли боғлар сари” узумчилик кооперацияси ана шундай йўл тутаяпти. Ўтган йилга қадар пахта ва ғалла етиштириб келинган 6 гектар майдонда боғ яратилиб, “хусайни”, “келин бармоқ”, “ризамат” навли узум кўчатлари экилди. Қатор ораларида помидор, бодринг, кўкат, қалампир ва бошқа сабзавотлар етиштириляпти. Энг муҳими, бу ерлар 50 нафардан ортиқ ёшга, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат мухожирларига ажратиб берилган. Улар плёнка остига резаворлар экиб, тўрт мартагача ҳосил олиш имкониятига эга бўлишди.

2019 йилнинг май ойида давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида 2024 йилга қадар Олтиариқ туманидаги 3 000 гектар ғалла майдонини босқичма-босқич қисқартириб, унинг ўрнида янги тоқзорлар ташкил этиш топшириғи берилган эди. Натижада олтиариқликларнинг кўп йиллик орзулари ушалди, десак муболага бўлмайди. Негаки, унганча туманда атиги 18 гектар майдонга эга узумчилик фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, фақат



Президентимиз ушбу долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган оқилона йўллари белгилаб берди. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга, “Ёшлар дафтари” рўйхатида турган йигит-қизларга ўзи истиқомат қилиб турган туманидан, қишлоғидан ерлар ажратиб бериляпти. Хусусан, Олтиариқ туманидаги “Янгиараб” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига давлат захирасида бўлган 30 гектар қир-адирлар ўзлаштирилиб, 2 та кооперативга асос солинди. 120 нафар ишсиз фуқарога 0,16 гектардан ер ажратилди, уларнинг 80 нафарини ёшлар ташкил қилади.

аҳоли томорқаларида узум етиштириб келинар эди.

Ўтган вақт мобайнида 1 350 гектар майдонда тоқзорлар барпо этилди. Бунинг натижасида 2 700 та янги иш ўрни яратилди. Шу йилнинг охиригача яна 1 650 гектар ерда янги узумзорлар ташкил этилиб, 5 000 та янги иш ўрни очиш мўлжалланяпти.

Олтиариқда 2017 йилда 21 300 тонна узум етиштирилган бўлса, 2020 йилда бу миқдор 50 минг тоннадан ошди. 2019 йилда биргина узумнинг ўзидан 12 миллион 800 минг долларлик маҳсулот экспортга йўллانган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич қарийб икки баробар кўлапти. Буларнинг ҳаммаси аҳоли томорқаларидаги 1 400 гектар узумзор эвазига қўлга киритилган. Тез орада

янги тоқзорлар ҳосилга кирса, уларнинг қанча тош босишини ва экспорт имкониятини ҳисоблаш қийин бўлмайди. Яъни режага кўра, 2024 йилга бори туманда 3 000 гектар ерда узум етиштирилиши натижасида 160 минг тоннагача ҳосил олиш, 170 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 12 мингта яқин кишини иш билан таъминлаш мумкин бўлади.

Авалги йил кузига ташкил этилган 1 350 гектар узумзорнинг қатор ораларидаги 900 гектар ерга эртаги сабзавот, қолганига картошка экилди. Бу майдонлардан 1 400 тонна сабзавот, 6 800 тонна картошка олинди. Улар ўрнига такрорий экин сифатида 920 гектар ерда сабзавот, 210 гектарда полиз ҳамда 220 гектар майдонга дуккакли дон экинлари

экилди. Йиғиштириб олинган ҳосил эл дастурхонини янада бойитишга, минглаб одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилди.

Президентимиз томонидан берилган топшириқлар асосида вазирликлар, республиканинг тегишли масъул идоралари, тижорат банклари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар Фарғона вилоятидаги 1 минг 41 та маҳаллада ўрганишлар олиб борди. Улар хонадонма хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ўрганди, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб берди, шу асосда манзилли дастурлар тайёрланди. Эндиликда уларни ҳаётга татбиқ этиш устида изчил иш кетаяпти.

Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг имконияти кенг, шарт-шароитлар ҳам етарли. Хусусан, ўтган йили тўрт ярим миллион аҳолига тегишли 432 минг гектар томорқа майдонларида экинлар тўлиқ экилиши таъминланиши ҳисобига 10 миллион тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилди. Бу йил ҳам кўкпалнинг ҳар бир ганимат кунидан, ҳар қарич ердан унумли фойдаланса, ўшбу рақамлар салмоғи янада ортиб бораверади. Энг муҳими, ерга меҳр қўйган ёшларнинг орзу-мақсадлари амалга ошади, меҳнатига яраша даромад олади.



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

“МАҲАЛЛАБАЙ”, “ХОНАДОНБАЙ” ЁНДАШУВ — НАТИЖАДОР ВА САМАРАЛИ ТИЗИМ



Бошланиши 1-бетада

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида аҳоли учун муносиб ҳаёт шaroитларини яратиш, шунингдек, жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқотнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали шакллари жорий этиш, аҳоли дардини тинглаш, муаммоларини жойида ҳал этиш бўйича янги чизимда ишлаш тартиби жорий этилди.

Ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошчилик қилаётган секторлар ўз худудларида барча ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, ҳуқуқ-тартибот тарғиботи, қонунчиликни мустақамлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада доимий ҳаракатдаги, яхлит тизим яратилди.

Тўғриси айтиш керак, ҳар бир янгиликнинг яхши ва етилмаган жиҳатлари бўлади, албатта. Бу борадаги айрим объектив ва субъектив омиллар мазкур тизимни янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Сектор раҳбарлари ўз худудларида аниқланган муаммоларни ҳал этиш, сектор штаби фаолиятини тизимли асосда йўлга қўйиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий ваколатларга эга эмас, уларнинг ҳал этилишини назорат қилиш бўйича шаффоф тизим йўқ эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 8 январда қабул қилинган “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор шу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича секторларнинг чинакамига фаолият юритишига йўл очиб берди. Секторлар фаолиятига “туман (шаҳар) — вилоят — республика” тамойили жорий этилди. Унга кўра, ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар ва солиқ идораларида секторлар бўйича вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди.

Айни пайтда секторлар фаолияти давлат органларини аҳоли билан янада яқинлаштириш, халқ билан тизимли мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Секторлар худудда “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш жараёнида аниқланган масалалар бўйича Президентнинг Халқ қабулхонаси билан ахборот алмашуви тизими ўрнатилиши аҳоли муаммолари тез бартараф этилишига ҳамда амалга оширилган ишларни тизимли таҳлил қилишга, йўл қўйилган камчиликлар, бажарилмаган тадбирларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда “йўл хариталари”ни шакллантириш, муаммолар ва уларни ҳал этиш натижалари юзасидан чора-тадбирлар тайёрлашга замин бўлмоқда.

Буларнинг барчаси Халқ қабулхоналари ва сектор раҳбарлари ҳамда аъзоларининг ўз вазифаларига виждонан ва масъулият билан ёндашишлари учун муҳим рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Бу тизим халқ ичига кириб бориш, уларнинг ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, ишончини қозонишда муҳим аҳамият касб этапти. Иқтисодий, инвестициявий, қурилиш комплексларидаги лойиҳалар доирасида ҳамда расмий ўзини ўзи банд қилиш ва бошқа фаолият турлари бўйича эҳтиёжманд оилаларнинг ишсиз аъзолари бандлиги таъминланмоқда.

Халқ қабулхоналари ва секторларга қўйлаётган вазифалар кўламини кундан-кунга ўсиши эса уларнинг халқ манфаати йўлидаги фаолиятини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Манзилли ва аниқ тизимли фаолият борасидаги ишлар Тошкент шаҳрида ҳам ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, Халқ қабулхонасига ке-

либ тушган мурожаатлар таҳлили асосидаги ўрганишлар Чилонзор туманидаги “Дилобод” маҳалла фуқаролар йиғини муаммолар энг кўп учрайдиган худуд эканини кўрсатди. Ички ишлар вазирлиги, туман ҳокимлиги ва Халқ қабулхонаси ҳамкорлигида қўрилган чора-тадбирлар натижасида эндиликда бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини амалга оширишга киришилди. Аниқланган муаммолар бартараф этилмоқда. Маҳалладаги кўп қаватли 31 та уйнинг атрофи тозаланди. Кўп қаватли 7 та уйнинг фасади таъмирдан чиқарилди. Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кузатув камералари ўрнатилди. Ушбу уйлар ораллигида болалар учун спорт майдончалари, аҳоли учун кутубхона ва автотураргоҳ ҳамда дам олиш жойлари қурилишлари якунига етказилмоқда.

— “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” тизими тез фурсатларда ўз самарасини берапти, — дейди “Дилобод” МФЙ раиси Муборак Бозорова. — Муаммоларимиз жойида ҳал қилиняпти. 34 ва 35-уйларимизда яшовчи фуқаролар мурожаати асосида амалга оширилган ишлар маҳалламиз чиройига-чиroy кўшди. Бу уйлар олдида болалар ўйингоҳи, автотураргоҳлар йўқ эди. Ҳозир аҳоли ва болақонлар ана шундай қўлайликка эга бўлмоқда. Бу ишларнинг ижобий натижалари “маҳаллабай” тизимининг нақадар тўғри ва муҳим эканини кўрсатмоқда.

Зубайда Мадутова ўтган йили тиббиёт коллежини тамомлагач, олий ўқув юртига ўқишга кирилмади. Беш кишилик оилادا фақат отаси ишлаётганини кўриб, озгина ёрдам бўлсин, дея Халқ қабулхонасига мурожаат қилган Зубайданинг тумандаги оилавий поликлиникага ишга жойлаштиришга масъуллар яқиндан кўмаклашди.

Тумanning “Новза” маҳалласида ўзи ёлғиз истиқомат қилувчи Саодат аяни Ниёзова бир неча йиллардан буён қандасаллиги билан курашади. Бу ҳам етмагандек, юрак етишмовчилиги ҳам бор. Халқ қабулхонасига мурожаатидан сўнг шифокорлар Саодат аяни текширувдан ўтказди ва зарур дори-дармонлар берилди. “Энг муҳими, кўнгил сўраб келганлари менга шифо бўлди”, дейди Саодат ая.

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 19 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға асосан, секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаатлар билан ишлаш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш вазифаси Халқ қабулхоналарига юклатилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентини-

нинг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири Тоҳир Муллажонов. — Таъкидлаш жоизки, мурожаатларда кўтарилган масалаларни таҳлил қилиш асосида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий қўллаш амалиёти такомиллаштирилиб борилаётгани боис, юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимининг натижадорлиги ва самарадорлиги ўсиб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, ўтган йили Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналарига жами 15 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Бу эса 2019 йилдагига нисбатан 1717 та камдир. Йил якуни бўйича мурожаатларнинг 12 мингдан ортиғи қаноатлантирилди, шундан 8219 таси тўла ижобий ҳал қилинди.

Шунингдек, айрим ташкилот ва идоралар томонидан фуқароларнинг мурожаатлари тўлиқ ва сифатли ўрганиб чиқилмаслиги, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланмаслиги, қўтилган ижобий натижа бўлмаётгани оқибатида Халқ қабулхоналарига так-



“ Ўтган йили Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналарига жами 15 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Бу эса 2019 йилдагига нисбатан 1717 та камдир. Йил якуни бўйича мурожаатларнинг 12 мингдан ортиғи қаноатлантирилди, шундан 8219 таси тўла ижобий ҳал қилинди.

роран мурожаат қилишлар учраб турибди.

Энг ачинарлиси, туман миқёсидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳеч бир катта сарф-харажатсиз ечиш мумкин бўлган оддийгина масалалар ҳал этилмаётгани фуқароларнинг қоқори идораларга мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда. Ушбу масалалар Халқ қабулхонасининг аралашуви билан ижобий ечим топмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманидаги “Асака”

маҳалласида яшовчи Ш. Тоҳирий 2020 йилнинг 16 ноябрь куни Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, унга туман электр тармоқлари корхонаси томонидан уч миллион сўмдан ортиқ асосий қарздорлик ҳисоблангани, бир неча бор электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилиб, тегишли тўлов хабарномаларини тақдим этишига қарамай, қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилинмаганини билдирди. Халқ қабулхонаси аралашуви билан фуқарога ҳисобланган асосий қарздорлик бартараф этилди.

Яна бир мисол. Яшнобод тумани “Тузел” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли томонидан Тузел-1 мавзесида жойлашган 557-мактабга таълим ташкилоти орқа томонидан ўтган ички йўлнинг 130 метр қисми кўп йиллардан бери таъмирланмагани сабабли аянчли аҳолга келиб қолгани бўйича мурожаат Яшнобод тумани ҳокимлиги ва туман ободонлаштириш бўлими томонидан кўриб чиқилиб, фуқароларга тушунтириш мазмунидagi жавоб хатлари юборилган.

— Ушбу худудда яшовчи фуқароларимиз масъул ташкилотлардан олинган жавоблардан қониқмагани сабаб Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлди, — дейди маҳалла раиси Соҳиб Райимов. — Халқ қабулхонаси масъулларининг масалага жиддий ёндашуви ва ижросини назоратга олганидан сўнг муаммо барҳам топди. 130 метр ички йўл тўлиқ таъмирланди.

Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган мuddатда масъул ижрочилар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши таъминланмаслиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси томонидан ижрога юборилган 47 та мурожаатнинг 30 кунлик ижро мuddатлари бузилгани фикримизнинг аққол далилидир.

Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасида 14 та, Тошкент шаҳри Бандлик бош бошқармасида 9 та, “Тошкентшаҳар сувтаъминоти” МЧҚда 8 та, Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармасида 5 та, Муниципал актив-

жаатлар амалдаги қонун талабига зид равишда шикоят қилинган мансабдор шахсларнинг ўзларига юборилгани, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига тегишли муносабат билдирилмагани, мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилмагани аниқланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъул ходимларни қайта тайёрлаш мақсадида келишилган тартибда ўқув семинарлар ташкил этилиб, тушунтиришлар берилди ҳамда бундай тадбирларни келгусида мунтазам ўтказиб бориш бўйича келишиб олинди.

Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари томонидан туманлардаги тиббиёт бирлашмалари ва оилавий поликлиникаларнинг аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлари мувофиқлаштириб боришмоқда. Халқ қабулхонаси ташаббуси билан туманлардаги ижтимоий шароити оғир, тиббий ёрдамга эҳтиёжи юқори маҳалларда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, айниқса, тиббий ёрдамга муҳтож кексаларга амалий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида тизимли равишда тиббий кўриқлар ва патронаж ишлари ўтказиб келинмоқда.

2020 йилда 4946 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 119 нафарига бепул даволаниш учун ордер берилди. Ётиб қолган 267 нафар касалманд фуқаронинг хонадонига бориб, патронаж кўриқлари ўтказилди, 469 нафар фуқаронинг кўчма флюорография текширувидан ўтиши ташкиллаштирилди.

Дори-дармонга муҳтож бўлган 1197 нафар эҳтиёжманд фуқаро 12 турдаги 148 миллион сўмлик зарурий дори-дармон воситалари билан бепул таъминланди.

Жумладан, куни кеча Яшнобод туманидаги 29-оилавий поликлиника томонидан 495 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди ва уларнинг 4 нафарига бепул даволаниш учун ордер берилди, ётиб қолган 21 нафар касалманд фуқаронинг хонадонига бориб, патронаж кўриқлари ўтказилди. Дори-дармонга муҳтож бўлган 238 нафар эҳтиёжманд фуқаро 14 турдаги зарурий до-

қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқбол учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, ташаббускорлик, шижоатлик руҳида тарбиялаш, жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Олмазор туманидаги Бешқўрғон-4 даҳасида яшовчи, 2001 йилда туғилган Хуршида Қудратова тикувчилик соҳаси ва Бешқўрғон-2 даҳасида яшовчи, 2002 йилда туғилган Умар Расулов компьютер технологияси бўйича доимий ишга жойлашишда амалий ёрдам сўраган эди. Бу мурожаатлар туман Аҳоли бандлигиға кўмаклашиш маркази томонидан ижобий ҳал этилиб, улар касб-хунарга қайта тайёрлаш курсларига жойлаштирилди.

Янгиҳаёт туманида жойлашган “Ал-Фарғоний” маҳалласида 1 минг 945 хонадон мавжуд. Улардан 2137 та оилادا 6505 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ишчи гуруҳ томонидан ўрганишлар жараёнида маҳаллада кам таъминланган 10 та, ижтимоий ҳимояга муҳтож 28 та, ногирон аъзоси бор 75 та оила мавжудлиги аниқланди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида “Темир дафттар”га киритилган, 535 нафар аъзоси бўлган оилаларнинг даромадлари тикланиб, иқтисодий аҳоли яхшиланиши сабаб дафттардан чиқарилди. Бугунги кунда 38 нафар ёш “Ёшлар дафттери”га, 72 нафар аёл “Аёллар дафттери”га киритилиб, улар билан тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Жорий йилда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва уларни тизимли ўрганиш мақсадида бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Жумладан, маҳалларда аҳолини қўйиб келаётган мавжуд муаммоларни аниқлаш бўйича сайёр қабуллар қамровини кенгайтириш, сектор раҳбарлари билан чекланиб қолмасдан, барча соҳалар раҳбарларининг қабулларини тизимли ўтказиб боришда худудий округлардан сайланган депутатларнинг ҳамкорлигини таъминлаш режалаштирилган. Шу билан бирга, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаб-



бусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиш ишлари “маҳаллабай” ва “хонадонбай” тизим асосида ташкил этилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда Президентнинг Халқ қабулхоналари билан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар кенгашиларининг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил қилиниши, камбағал аҳоли рўйхати ва камбағалликдан чиқариш учун “темир дафттар”лар юритилиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли мурожаатлари учун Ягона ижтимоий реестр тизими жорий этилиши ижтимоий ҳимоя соҳасида янги ислохотлар узвийлигини таъминламоқда.

Қайд этиш жоизки, жойлардаги Халқ қабулхоналари фуқароларнинг ишончли манзили, жамиятнинг ҳақиқий кўз-гусига айлиб улгурди. Бу эса халқ ва давлат биллигининг олий намунаси эканини амалда исботламоқда.

Бир сўз билан айтганда, очиқ мулоқот ва мурожаатлар билан ишлашнинг янги чизими — Халқ қабулхоналари институти одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни жойида ҳал этиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаш, ижтимоий адолатни таъминлаш имкониятини яратмоқда.

Шунингдек, Халқ қабулхоналари хузурида “кўчма кутубхона”лар ташкил этилган. Масъул ходимлар томонидан ётоқдаги беморларга уларнинг истаги бўйича китоблар олиб бориб берилаетир. Психолог мутахассислар билан суҳбатлар ташкил этилмоқда. Уша худудда яшовчи санъаткор, шоир ва ёзувчилар уларнинг хонадонларига бориб кўнгилларини кўтармоқда.

Шаҳар ва туманлар сектор раҳбарлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилаётган оммавий сайёр қабулларда ёшларни ҳар томонлама

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХУДУДЛАРИМИЗДА



САНОАТЛАШАЁТГАН ВОҲА

Бошланиши 1-бетда

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Қашқадарё — қадимий маскан. Бу кўҳна тупроқ ўз бошидан жуда кўп тарихий воқеа ва ҳодисаларни кечирган. У улуг шoirлар, алломалар, қолаверса, соҳибқирон Амир Темур ватани.

Қашқадарё бугун чинакам тадбиркорлар ва саноат масканига айланмоқда. Бу ерда 3 миллион 300 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Воҳа йилдан йилга ўз мавқеи ва салоҳиятини тиклаб бормоқда. Буни бугун боғ-роғлар, равон йўллар, йўл четидоги катта-кичик савдо дўконлари, туман ва шаҳарларда қад ростлаётган корхоналар мисолида яққол кўриш, сезиш мумкин.

Вилоят саноати изчил ривож топмоқда

Бунда энгил саноат, хусусан, тўқимачилик салмоқли ўрин тутди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки тўқимачилик маҳсулотларига нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам талаб юқори. Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, ўтган йил октябрь ойида Шахрисабз туманида синтетик аралашмали ип ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Oqsaroy Vortex" корхонаси иш бошлади.

Корхона сунъий ва табиий толадан бир йилда 3 минг тонна калава ип, 5,5 минг тонна сунъий тола ип, 3,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Экспорт ҳажми 7 миллион долларни ташкил этади. Лойиҳа қиймати — 15 миллион доллар.

Табиий саналган пахта толасидан тайёрланган маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки дунё бозориди ҳам харидордир. Аммо унга талаб мавсумий бўлиб, сунъий матоларга йилнинг тўрт фаслида ҳам эҳтиёж бор. Шу боис, корхонада вискоза ва полиэстер каби сунъий толадан мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда шу пайтгача бундай газлама тайёрланмаган. "Oqsaroy Vortex" корхонаси юртимизда бу ишга биринчи бўлиб киришди. Корхона мавсумий эмас, йил давомида ишлайди, фақат импортга қарам бўлиб қолмайди.

— Вискоза табиий целлюлоза кимёвий усулда қайта ишланганидан сўнг олиндиғани сунъий тола саналади. У деярли ҳар бир усимлик таркибиди учрайди, — дейди "Oqsaroy Vortex" масъулияти чекланган жа-



мияти директори Дилшод Қосимов. — Бироқ у, асосан, дарахт қилиғидан олинади. Вискозадан тўқилган газламани бўяш осон, гигиена талабларига жавоб беради, хомашёси ҳам нисбатан арзон. Унга пахта ва полиэстер қўшилиб, турли-туман газлавлар тайёрланади. Вискозадан тикилган кийим юмшoқлиги, момкилиги, салқин тутуши, сувга чидамлилиги билан ажралади туради. Шу боис, ундан тикилган маҳсулотнинг бозори чаққон. Бюрогумани олдиндан ола-ми. Мижозларимиз етарли.

Корхонада айни пайтда 20 рангда сунъий мато ишлаб чиқарилаяпти. Бир суткада 20 тоннагача маҳсулот тайёрланади. Иш уч сменада ташкил этилган. Япониянинг "Murata" компанияси замонавий тўқимачилик технологиялари иш унумдорлиги ошиши-

да муҳим омил бўляпти. У бир қатор афзалликларга эга. Ушбу технология воситасида калава ип тўқилаётганда тола марказлашган аэродинамик ҳаво босими орқали ўтади. Натижада ип янада майинлашади, сифати ошади.

— Тўқув дастгоҳлари, асосан, Германия ва Япониядан олиб келинган, улар энг замонавий дастгоҳлар сира-сира қиради, — дейди Туркиядан жалб қилинган технолог Адимбей Жейхан. — Бир дақиқада 500 метр ипни ўрай олади. Бундай тезликда ишлайдиган дастгоҳлар ҳали МДХ мамлакатларида йўқ. Россиялик тадбиркорлар нафақат маҳсулотларимиз, балки дастгоҳларимизга ҳам қизиқмоқда.

— Иш сўраб маҳаллага муружаат қилганим, мени шу корхонага тавсия этишди, — дейди Нодира Кенжаева. — Ишли бўлганимдан ва шу корхонада ишлаётганимдан жуда хурсандман. Ишни асосан техника бошқаради. Биз эса уни кузатамиз, маҳсулот сифатига эътибор қаратамиз.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 12-ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида "Oqsaroy Vortex" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишган, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам шундай тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш буйича кўрсатма берган эди. Ана шу топшириққа асосан, жорий йилда ушбу корхона ёнида яна битта тўқимачилик фабрикасини барпо этиш, калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган. У бир йилда 7 минг тонна калава ип, 2,1 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. 700 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, жорий йилда пахта қайта ишлаш заводини ишга тушириш ҳам кўзда тутилган. Унда 600 га яқин янги иш ўрни очилади.

Бундан ташқари, вилоятнинг Яқабоб ва Қамаш туманларида ҳам тўқимачилик корхонаси барпо этишга тайёрларлик кўрилмоқда. Шахрисабз, Яқабоб ва Қамаш туманларида пахта кластерлари ташкил этилган. Фермер хўжаликлариди етиштирилган пахта шу ернинг ўзиди қайта ишланади.

Хитойлик инвесторлар ҳам фабрика, ҳам завод қуришяпти

"LT Textile International" корхонаси тўлиқ хитойлик инвесторлар маблағи эвазига бунёд этилган. Унинг биринчи босқичи 2017 йил июль ойида фойдаланишга топширилди.

Ушбу лойиҳа қиймати — 100 миллион доллар. Унинг илк босқичида пахта толаси қайта ишланиб, калава

ип тайёрланапти. Бир йилда 22 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Фабрика майдони 64 минг квадрат метрни ташкил этади. Бошқа туманлардан келиб ишлайдиганлар учун 500 ўринли ётоқхона қурилди.

Фабрикада кунига ўртача 55 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жами 630 нафар ходим меҳнат қилади. Шундан 32 нафари хитойлик мутахассислар. Айни пайтда маҳаллий аҳолидан иккинчи фабрика учун мутахассислар тайёрланапти.

2019 йилдан буён калава ип ишлаб чиқаридиган яна бир фабрика қуриляпти. Бу ерда ҳозир дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Уни жорий йилнинг июнь ойида ишга тушириш мўлжалланган.

— Лойиҳанинг иккинчи босқичи ип йигирчи ва тўқиш фабрикасини ўз ичига олади, — дейди корхона бош



Қашқадарё бугун чинакам тадбиркорлар ва саноат масканига айланмоқда. Бу ерда 3 миллион 300 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Воҳа йилдан йилга ўз мавқеи ва салоҳиятини тиклаб бормоқда. Буни бугун боғ-роғлар, равон йўллар, йўл четидоги катта-кичик савдо дўконлари, туман ва шаҳарларда қад ростлаётган корхоналар мисолида яққол кўриш, сезиш мумкин.

директори Чен Жи. — Йигирчи фабрикасида бир йилда 22 минг тонна калава ип тайёрланади. Тўқиш фабрикаси эса 13 миллион метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга. Бир йилда 92 миллион АҚШ доллари миқдориди маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Корхонада Германия ва Швейцариядан келтирилган замонавий, энергия тежайдиган тўқимачилик дастгоҳлари ўрнатилган. Пахта қайта ишлаш ва тараш, йигирчи ва ўраш линиялари ишга туширилган.

— Учинчи фабрика жорий йилнинг охиригача ишга туширишни мўлжаллаганимиз, — дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Лю Менг. — У асосан газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Фабрикаларимиз аслида ўтган йили ишга тушиши керак эди. Пандемия туфайли режамиз орқага сурилди. Учинчи фабрика ишга тушиши билан 300 га яқин ишчи ўрни яратилади. Қашқадарёда етиштирилган пахта толаси тоза ва сифатли. Шу боис, ундан тайёрланадиган маҳсулот жаҳон стандарти талабларига жавоб беради.

Корхона ишчилари, асосан, 20-35 ёшдаги маҳаллий ёшлардан иборат. Фабрика маҳсулотининг асосий қисми экспортга мўлжалланган. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоиздан кўпроғи 16 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Хитойлик мутахассислар ишчиларга замонавий дастгоҳларда ишлашни ўргатишяпти. Бундан ташқари, 60 га яқин маҳаллий мутахассис Хитойда касб маҳоратини ошириб қайтди.

— Хитойда ҳам ўқидик, ҳам иш ўргандик. Уч ярим ой корпорацияга қарашли корхоналарда замонавий дастгоҳларда ишлашни ўзлаштирдик, — дейди корхона ишчиси Анвар Ниёзов. — Хитойда ҳар бир ишчи ўзи ишни сифатли ва мукамал бажаришга интилади. Зиммасидаги масъулияти чукўр ҳис қилади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ривожига таъсир этади. Ишчиғи ишининг сифатига қараб ҳақ тўланади. Маҳсулотнинг сифатли бўлиши жуда муҳим. Янги келган ходимга хатосиз ишлаш, эътиборли ва талабчан бўлиш, хавфсизлик ва тартиб-интизомга риоя қилиш ўргатилади.

Хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилаётган бундай корхоналар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кичик саноат зоналари — ёш тадбиркорлар маскани

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форумида эркин иқтисодий зоналар буйича тўпланган тажриба асосида ҳудудларда ёшлар кичик саноат зоналарини ташкил этиш, унда ёшларнинг бизнес лойиҳаларини жойлаштириш ҳақида гапирган эди. Ана шунга асосан, Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалласи ҳудудида

ёшлар кичик саноат зонаси ташкил этилди. Умумий майдони 2 гектар бўлиб, 20 та лотга ажратилган. Унда 18 нафар йигит-қиз умумий қиймати 20 миллиард 372 миллион сўмлик бизнес лойиҳаси билан иштирок этмоқда. Бунинг натижасида "Ёшлар дафтари"га кирган йигит-қизлар учун 320 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Ушбу кичик зонада энгил саноат маҳсулотлари, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, турли техник жиҳозлар, мебель ишлаб чиқариш, ойнага ишлов бериш каби бир қатор фаолият йўлга қўйилди.

— Узимнинг сармом бор эди. Шунга мос бизнес режа тўздим, аммо уни амалга ошириш учун ҳақ тополмай юргандим. Ёрдан сўраб Ёшлар ишлари агентлиғига муружаат қилдим. Улар саноат зонасидан 400 метр квадрат ҳақ ажратиб берилди, — дейди "Taraqiyot hamkor qilish" МЧЖ директори Фарҳод Кичкинаев. — Натижада замонавий МДФ эшиклар, ошхона, ётоқхона ва офис учун мебеллар, ёғочдан стол-туш ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Лойиҳа қиймати 1 миллиард сўмни ташкил этади. Ҳозир 15 нафар ёшчи ишга олдим. Яна шунча янги иш ўрни яратиш ниятдаман.

Давлатимиз раҳбари ёшлар форумида ижтимоий сўровлар ақсарият ёшларимизда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва малака етишмаслигини кўрсатгани, демек, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга эътиборни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди.

Шундан келиб чиққан ҳолда вилоятда ёшларни касб-хунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш йўлга қўйилди. Ёш тадбиркор Фарҳод ҳам Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси хузуридаги "Exclusive education and business" ўқув марказида таҳсил олди.

— Сидқидилдан ва ҳалол меҳнат қилган одам ўз мақсадида, албатта, эришади, — дейди Фарҳод. — Мебелларимизга талаб ва эҳтиёж юқори, эътиборли ва талабчан бўлиш, хавфсизлик ва тартиб-интизомга риоя қилиш ўргатилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Вилоятда ёшлар билан ишлаш буйича янги тизим жорий этилади. Ҳоқимлар ҳар ҳафтада бир кунни ёшлар билан ишлаш кунини деб эълон қилиб, уларнинг муаммолари билан шуғулланади", деган топшириғи бугун Қашқадарёда ўз натижасини бермоқда.

ЖАМИЯТ

Бугунги кунда юртимизда аёлларнинг барча соҳа ва тармоқлардаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғини мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам кўриш мумкин. Бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Давлат ва жамият бошқарувида аёллар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Бугунги кунда 1 минг 400 нафарга яқин аёл республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаяпти.

УЛУҒ ЮРТДА АЁЛЛАР ҚАДР ТОПАДИ

Фирюза МУҲИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик
университети профессори

Олий таълим йўналишида талабаларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўтган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож 950 нафар қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган катта воқеадир. Фарзанд тарбиясида она муҳим ўрин тутди. Йиллар ўтиб, ана шу қизларимиз янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансини шакллантириш ва бунёд этишда ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Давлатимиз томонидан аёллар тадбиркорлиғи ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ўтган йили 585 мингга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, 36 мингдан зиёд аёл касб-хунарга ўқитилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир 32 минг аёл ишли бўлди. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан салкам 17 минг хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди.

"Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 126 минг нафарга яқин аёлга имтиёзли кредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Тадбиркорлик ва касб-хунар марказлари томонидан ўқитилган ақсарият хотин-қизлар хунармандлик ва касаначиликка жалб этилди. "Беш муҳим ташаббус" доирасида чекка ҳудудларда тикунчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг аёлнинг бандлиги таъминланди.

Дунё давлатларида кам учрайдиган ҳодиса — уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар опа-сингилмизга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Пандемия шароитида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида "Аёллар дафтари" жорий этилиб, унга 9 та мезон асосида 433 минг хотин-қиз киритилди ва шу асосда электрон база шакллантирилди. Шу кунгача улардан қарийб 80 минг нафарининг муаммолари ҳал этилгани эътиборга молик.

Шу йил 26 феврал кунини Президентимиз раислиғида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи тасарруфига ўтаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг бўш турган қисмини ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун тадбиркорларга 30 йилгача муддатта имтиёзли ижарага бериш вазифаси қўйилди. Айни шу мақсадда Бандлик жамғармасидан 70 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Шунингдек, 70 мингга яқин хотин-қизни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки орқали 2 триллион сўм кредит йўналтирилади.

Олий маълумотли бўлиши истган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орузсиз эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизими жорий қилиниб, ота-онанинг беридан айрилган муҳтож қизлар ҳамда боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳоқимлик ва олий ўқу юрти ҳисобидан қўллаб бериладиган янги тизим яратилгани айни мўддао бўлди.

Мамлакатимизда аёллар саломатлигини сақлаш мақсадида, айниқса, чекка ҳудудларда табиий хизматларни янада тарқатиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки туғиш ёшдаги аёлларда камқонлик, нафас олуш, ҳазм қилиш аъзолари, юрак-қон томир тизими касалликлари аниқланган. 44 минг нафар хотин-қиз алоҳида назоратга олинди, уларни тиббий бригадаларига бириктириш, тор дорадаги шифокорларни жалб қилиш ва даволаш белгиланган. Шунингдек, жорий йил якунига қадар қарийб 9 миллион аёлни чуқурлаштирилган табиий қўриқдан, жумладан, саратон скринингидан ўтказиш вазифаси қўйилди. Онкологик касалликларни профилактика қилиш мақсадида 323 минг нафар қиз одам папилломаси вирусига қарши эмланмоқда. Эпителиалар

аёлларнинг даволаши учун ҳар йили Хотин-қизлар жамғармасига қўшимча 30-50 миллиард сўм ажратилаётгани мамлакатимизнинг эртанги кунга сарфлаётган бебаҳо сармомасидир.

Хотин-қизларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлари ташкил этилиши, санаторийларда даволаши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва тўловларини қўллаш борасида ҳам энгилликлар берилмоқда.

Уй-жой масаласи энг катта муаммолардан бири бўлиб, шунинг оқибатида оилавий ажралиш, ишсизлик келиб чиқаётгани сир эмас. Давлатимиз раҳбари айни шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларга муносиб шароит яратиш масаласини кун тартибига қўйгани мунис ва мўътабар аёллар учун катта туҳфа бўлди, десам муболага бўлмайди. Бунинг натижасида сўнгги йилларда уй-жойга муҳтож минглаб оилаларга янги турар жойлар топширилди.

Хуқуқносу сифатида айтишнинг мумкин, бундай тажриба ёхуд тартиб хатто энг ривожланган давлатларда ҳам мавжуд эмас. Унинг мантқиқий давоми сифатида вақтинча нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга 10 миллиард, отасидан айрилган муҳтож қизлар учун эса 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилмоқда. Энг муҳими, бу маблағлар уй-жойнинг бошланғич тўловига йўналтирилмоқда. Шунингдек, хотин-қизларга турар жой ижараси компенсацияси учун 11 миллиард сўм ажратилган.

Аёлларимизнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш буйича қўнунчилигимизда ҳам айрим муаммо мавжуд эди. Бугун уларга мақбул ечим топилди. Меҳнат кодексининг 224-моддасига мувофиқ, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиши рад этиш ёки иш ҳақини камайтириш тақиқланди. Демак, аёлларимизни, ёш келинларимизни ҳомиладорлиғи ҳамда уч ёшга тўлмаган боласи борлигини рўқан қилиб ишга олмаслик қўнунбузарлик саналади.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 225 ва 228-моддаларида аёлларимизни меҳнат шароити нуқуллай, зарарли, оғир жисмоний ёки тунги ишларга, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунлари ва хизмат сафарига жалб этиш аёллар меҳнати таққиланмаган ишлар сифатида белгиланди. 226 ва 227-моддаларда эса ҳомиладор ҳамда икки ёшгача боласи бор аёлларни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа энгилроқ ёки зарарсиз ишга ўтказиш назарда тутилган. 228-1 ва 229-моддаларда уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ҳафталик иш вақти аввалги иш ҳақи сақланган ҳолда 35 соатдан ошмаслиги қайд этилган.

Нотирон фарзандага гамхўрлик қилиш оила, айниқса, аёллар учун машаққат саналади. Шу боис, Меҳнат кодексининг 230-моддасига мувофиқ, 16 ёшгача нотирон боласи бор ота-онанинг бирига ҳар ойда иш ҳақи сақланган ҳолда бир кун дам олиш кўни берилди. 231-моддада эса ҳомиладор ва туққан аёлларга йиллик меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра истаган вақтда берилди. 232-моддага асосан, аёлларимизга 3 (уч) кун ҳақ тўланадиган ва камиди 14 календар кундан иборат ҳақ тўланмайдиган таътил бериш белгиланди.

Аёлларга, жумладан, таътиқга учраган хотин-қизларга малакали психологик ва хуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими тақомиллашмоқда. Уларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда хуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари буйича кенгашининг 46-сессиясида қайд этганидек, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллашувини кенг тарғиб этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тўбдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом этади. Жорий йилда юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг муроқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форуми ўтказилади.

Юртимизда 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси асосида кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида 8-март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан 28 нафар иқтидорли қизимиз Зулфия номидаги давлат муқофоти ҳамда кўп йиллар давомида ўз соҳасида катта натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган опа-сингилларимиздан 297 нафарни "Мўътабар аёл" нишонини билан тақдирланди. Демократик ўзгаришлар ҳамда гендер тенглигини таъминлаш одадта шу жамиятининг аёлларга муносабати, яратилган имконият ва шарт-шароит билан белгиланади. Бундай имконият ва эътибор, албатта, ҳар бир аёлда меҳнатга, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга, янги гоғлар устида ишлашга, ташаббускорликка иштиёқ, келажакка ишонч уйғотади. Уларни янги ютуқ ва марралар сари ундайди.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

НУРЛИ ОҲАНГЛАР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ШЕЪРИЯТ

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, академик,
Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

сеҳр тариқасида кириб келади”, деб ёзган эди. Бугун биз Абдулла Ориповнинг матбуот юзини кўрган илк шеъридан тортиб, шу вақтга қадар яратган асарларини назардан ўтказсак, ундаги шеъриятга ҳавас улкан шоирларга тақлид тарзида эмас, балки чиндан ҳам руҳий ташналик, чексиз эҳтиёж ва ажиб бир сеҳр тариқасида майдонга келганига ишонч ҳосил қиламиз. Чамаси, ҳақиқий шоир ҳам шундай эҳтиёж фарзанди сифатида дунёга келади.

Шоирнинг эл оғзига тушган дастлабки шеърларидан бири — “Тилла балиқча”да лойқа ҳовузга ташланган ва ташландик ушоқларни ёб катта бўлаётган балиқчининг ҳолати тасвирланган эди.

Абдулла бу шеърида тилла балиқчининг шу қўлмадаги ачинарли қисмати кўриб эмас, балки унинг шу сассиқ ҳовузи дунё деб тушунишидан мутаассир бўлган. Оддий ҳаётнинг манзарадан кутилмаган ва қўламли фалсафий хулоса чиқаришдаёқ унда катта шоирларга хос нигоҳ ва сезги мавжудлиги юз кўрсатган эди. У кейинчалик ўзидаги ана шу фазилатларни ривожлантириб, ҳаётини мавзуларни ўзбек шеърияти учун янги нуқтадан туриб ёритишда давом этди. Ана шу аснода у ўз ижодий овози ва услубини топди.

“Тилла балиқча” Абдулла Орипов ижодининг шаклланиш фақлида ёзилган бўлса-да, шу фансл доирасида қолиб, бугунги кунда унутилган шеърлари жумласига кирмайди. У Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасидаги норасида бола образи сингари тимсол даражасида аҳамиятга молик.

Тилла балиқча — бу ҳозирги воқелиқда, чиркин бир шароитда, баъзан ғалами кишилар қуршовида яшаётган истеъдод соҳибининг образи.

Одатда, шоирлар қавмининг бутун инсониятга мансублигини таъкидлаш ниятида уларнинг миллат ва ватан тушунчаларидан илғорлаб кетгани айтилади. Бу мутлақо хато фикр. Шоир, энг аввало, ўзи туғилган эл-юрт табиятини, унинг бетакорлиги ва ўзига хослигини, орзу ва армонларини куйлаш жараёнида бошқа эл-юртлар учун муштарак бўлган қадриятларга муносабатини ҳам бадиий тасвирга сингдириб боради.

Абдулла Орипов шеъриятининг гўзал намуналаридан бири “Юртим шамоли” шеърисидаги мана бу сатрларни яна бир бор эсланг:

*Мен-ку бу дунёда бир зори висол,
Қарбало даштида Мажнунсифатман.
Шамоллар ичиди мен ҳам бир шамол,
Чечаклар атридан мен ҳам сарматман.
Лекин сен рўҳининг мануе хаёли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли...
Эсгин-эй, боғларнинг жамоли кулсин,
Мовий нафас билан тўлсин этаклар.
Учур қўшқларга бу олам тўлсин,
Шаънингга шоирлар айтсин эртаклар.
Эсзин, ватаниннинг таралсин боли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.*



Жўшқин мисралар, ўтли сўзлар тарзида шоир юрагидан отилиб чиққан бу туйғулар ўзбек учун ҳам, фаранги учун ҳам, ҳинду учун ҳам тушунарли ва азиз бўлса, не ажаб.

Аммо улар ўзбек диёридан, аниқроғи, Абдулла Орипов учун муқаддас бўлган Қарши чўлларидан эсган шамолдан мавж олган. Шоир ўз юртига бўлган соғинчи, меҳр-муҳаббатини куйлаб экан, беқиёс даражага кўтарилди. Умуман, у ўзининг нурли оҳанглар билан йўғрилган шеъриятида бугунги замоннинг фожиалар, кул-фатлар, нохушлиқлар билан тўла воқелигидан юксалиб, жаҳон шеърияти классикари мушоира қилаётган илоҳий манзилга кўтарилгандек бўлади.

Нурли оҳанглар — фақат некбин гоғлар ва туйғулар силсиласига эмас. Баъзан шоир ўз қалбидан юзиб чиққан мунгли ҳислар шалоласини оппоқ қоғоз узра тўққанида ҳам китобхон дили шу мусаффо туйғулар тўғунидан хийла покланиб, мундан-да нурланиб кетгандек бўлади.

*Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт,
Қийнайдۇ ўзидан ўтган қусурлар.
Кимгадир айтиммай қолган бир раҳмат,
Кимданбир сўралмай қолган узрлар...
Инсонга тобемас замон, инчунун,
Инсон юрагиди аламлар қат-қат.
Фақат бир таскин бор барчаси учун
Афсус чека билсанг — шу ҳам бир давлат.*

Абдулла Орипов ўзининг бундай теран инсоний кечинмаларга бой шеъриятида донишманд файласуф даражасига кўтарилди. Ёши анча улуг ҳамкасбларига ҳам насиб этмаган бу фазилат унда қандай қилиб барвақт ниш урди, деб сўрашингиз мумкин.

Бизнингча, бунинг боиси шундаки, унинг шоирлик қалби шу давр мобайнида бошқаларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилди, унинг миясидаги ҳужайраларнинг аксар қисми фаол ишга жалб этилди. Шу боис унинг нигоҳи ҳам, туйғулари ҳам фавқулодда теранлик касб этди.

Шу боис у ҳаётдаги нохуш ҳолатлардан кўпроқ озор чекиб, ўзини қуршаган муҳитдаги норасоликлардан беҳад азоб тортиди. У тилла балиқча сингари қўлмадаги чирган хас-хазонлар билан муроса қила олмади. Энг муҳими, Аллоҳ ҳар кимга ҳам ҳада қилиб берилвермайдиган

буюк истеъдодни унга — Абдулла Ориповга бахшида этган эди.

Шоирнинг “Ишонч кўприклари” шеърисида ўзини қийнаган маънавий муаммолардан бири теран бадиий талқин этилган. Бугун маълум бўлишича, бу шеър куни кеча фақат ижодкорлар ўртасида кўзга ташланган қусурларга эмас, балки умуман жамиятимизнинг маънавий тушкунликка юз тутта бошлашига қарши қаратилган экан.

Шеърдаги ҳар бир сатр шу маънода кишиларни огоҳликка ундовчи, улуг давлатни оламшумул ҳалокатдан сақлаб қолишга даъват этувчи руҳий қувватга эга экан. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради:

*Юздан парда кетса,
Дилдан диёнат,
Меҳр ришталари зимдан узилса,
Юракларни босса шубҳа, хиёнат,
Ишонч кўприклари бузилса;*

*Етимлар ҳақидан кўркмасе бирое,
Сўқмоққа айланиб кетсалар йўллар;
Қиблагҳолар осий, туғишганлар ёв,
Ғазналарга чўзилса қўллар...*

*...Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби
Бир-бирларини ғажиб есалар;
Минбарларга эккан кўча-кўйнинг гапи,
Андишани кўрқоқ десалар...*

*Бундай юртда энди қиргин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа.
Ҳатто дарёлари қуриб басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар тирроққа...*

Шоир башорат қилган экан. Халқнинг олди бўлган кишиларни иймон тарқ эта бошлагани боис, тўғрироғи, оммавий тус олган иймонсизлик сабабли аслида бой ва қудратли бўлган мамлакат уша кезлари ҳалокат ёқасига келиб қолган эди.

Дастурхонларига эмас, дарёлар ҳам қуриб, мамлакатдан кут-барақа қочганига кўпчилик гувоҳ. Кимларнингдир иродаси билан халқлар бир-бирларига қарши пичоқ чархлагани ҳам рост...

Ана шундай фожиавий бир шароитда шоирнинг қуйидаги атиги саккиз мисрали шеъри ўзига фавқулодда катта маънони ортандек бўлади:

*Дейдилар, қайгадир ўт кетса, албат,
Чумчуқ хас таширмиш, қалдирғоч-чи — суе.*

*Балки, бу чумчуқнинг шаънига тўхмат,
Ёнгин нималигин балки билмас у...*

*Сен дунё ҳолига назар сол бир пас,
Назар сол кўзлардан оққан ёшларга.
Дунёда кубларар ёнар ҳар нафас,
У доим муҳтождир қалдирғочларга.*

Уша кезлари ёнаётган мамлакатга қалдирғоч каби сув элтиб келиб сепувчи, уни нифоксиз, мождарларсиз, тўқин ва фаровон янги замонлар сари етакловчи қаҳрамонлар нақадар зарур эди. Ўзи ҳам ана шундай эзгу ният билан яшган куйинчақ шоир сифатида юрт ғамини ана шундай дардли мисраларда куйлагани Абдулла



Ориповнинг чинакам инсонпарвар, халқпарвар шоир бўлганининг исботидир.

Абдулла Орипов тўғдор ва тағдор шеърлар яратди. Замондоши Эркин Воҳидов ижодида мусиқийлик, шеъринг равонлик ва бадиий латофат устуворлик қилгани билан шеъринг мухлисларининг меҳр-муҳаббатларини қозонган.

Бу икки шоир бир-бирини тақдорламайдиган, ўзига хос адабий ҳодиса сифатида бир-бирини тўлдирди ва миллий адабиётимизнинг ўзлари яшаган даврдаги қиёфасини мукамал ифода эта олди. Икки улуг ижодкор ортидан қанча-қанча истеъдодли шоирлар авлоди етишиб чиққани айна ҳақиқатдир. Улар туфайли бугунги ўзбек шеърияти яна бир поғона юқорига кўтарилди.

Ўзбек диёрида Наврўз таровати кезиб юрган ушбу кунларда ҳаёт бўлганида семимли шоиримиз ўзининг муобрак саксон ёштини қаршилаган бўлар эди. У баркамол шоир, донишманд ижодкор сифатида ўзидан бой адабий мерос қолдирди. Унинг руҳий ташналик, чексиз эҳтиёж ва ажиб бир сеҳр тақозоси бўлган шеърияти бугун ҳам адабиётсевар қалбларни эзгулик нури билан ёритиб келмоқда. Улуг шоирнинг қуйидаги орзуси бугун ҳам кўнглиларга умид ва ишонч нурларини сочиб турибди:

*Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли, утажак у ва ўтар бўлсин.
Азимин, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин...*

Семимли шоиримизнинг халққа, ижодга бағишланган умр шамоллари чиндан ҳам муаттар эди. Унинг теран мазмун ва гўзал бадиий шаклини уйғун этган шеърлари бугун шеърсевар қалбларни муаттар этишда давом қилмоқда.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

Одатда хорижлик одамлар ўзбекча сўзласа ёки ўзбекча шеър айтса, ёинки, адабиётимиз вакилларининг ижод намуналарини таржима қилганини кўрсак, эшитсак беихтиёр қувониб кетамиз, дилимиз чексиз фахр-ифтихорга тўлади. Жаҳон ахлининг ўзбек адабиётига қизиқиши кундан-кунга ортиб бораётгани унинг дунёдаги мавқеи юксалиб бораётганидан далолатдир. Турк тилида нашр этилган “Ҳозирги ўзбек ҳикоялари” китоби ҳам бунинг яна бир исботи. Ушбу тўпلام таржимони Ҳамза ЎЗТУРКЧУ билан ўзбек ва турк адабий алоқалари ва ушбу адабий жараёндаги иштироки ҳақида сўхбатлашдик.

— Ҳурматли Ўзтуркчу жаноблари, ўзбек адаблари ва уларнинг ўзига хос ижоди ҳақида илк бора қачон эшитгансиз?

— 2010 йилда Отатурк университетининг ҳозирги туркий тиллар ва адабиёти бўлимида тахсил олдим. Шу йилларда устозим Хусейин Байдёмриддан ўзбек тили ва адабиёти бўйича сабоқлар олдим. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон тўғрисида биринчи марта 3-курсда ўқётганимда устозим маърузаларида эшитганман. Шоирнинг ширали ижод тили мени ўша дарсдаёқ сеҳрлаб қўйди. Ва шу кунёқ магистратура bosқичидаги диссертациям мавзусини Чўлпон ижодида бағишлашни ният қилдим. Худо менга шу кунларни насиб этган экан, чиндан ҳам йиллар ўтиб, магистратурада бу гўзал ижодкор ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий иш ёздим.

— Бизнинг адабиётшунос олим Наим Каримов айтиганидек, инсоният тараққийнинг муайян bosқичига кўта-

рилганидан сўнг бошқа мамлакатлар ва қитъаларда яшаган халқлар маданиятидан, адабиёт оламида эришган ютуқларидан баҳраманд бўлишга катта эҳтиёж сезган. Ижодкорларнинг ана шу адабиётлараро қурган “кўприги” ҳозирги кунда “бадиий таржима” деб аталади. Эларни элларга, дилларни дилларга туташтирувчи бу кутлуг жараёндаги иштирокингиздан мамнунмисиз?

— Албатта, жуда хурсандман. Утган тўрт йил ичиди ўзбек тилидан турк тилига бир қатор адабий таржималар қилдим. Дастлаб мақола ва ҳикояларни ўғра бошладим. Улар Туркиядаги таниқли адабий журналларда нашр этилди. Кейин Чўлпоннинг “Ерқиной” пьесасини ўз тилимизга таржима қилдим ва шу асосида таҳлилий рисола ёзиб, 2019 йилда эълон қилдим.

Университетда тахсил олиб юрган кезларим Абдулла Қодирини, Ойбек,

Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов каби ёзувчилар асарларининг турк тилидаги таржималарини ўқидим. Бир кун устозим дарсда Чўлпоннинг “Гўзал” шеърини ўзбек тилида ўқиб берди ва бу шеър асл ҳолида мени жуда таъсирлантирди. Унинг асарлари туфайли бу тилга бошқача меҳр қўйдим.

Ўзбек тилини университет bosқичида ўрганганимдан сўнг менда Ўзбекистонга бориш иштиёқи уйғонди. Шундан сўнг биринчи марта 2018 йилда Тошкентда ташкил қилинган халқаро симпозиумда қатнашдим. Олти кун пойтахт шаҳарда турдик. Иккинчи сафаримда эса Самарқандга бордим. Самарқандда бир ой бўлдим. У ерда таржима билан боғлиқ фаолиятимни ва халқ орасида юриб, ўзбек тилида гапириш имкониятимни ривожлантирдим. Яъни тилимни креслода ўтириб эмас, халқ орасида юриб, одамлар билан сўзлашиб мустаҳкамладим. Ҳозирги кунда ҳам тил ва таржима кўникмаларим устида ишлаяпман. Келажакда ўзбек тилида ўзбеклар каби сўзлашиш ва қўлаб бадиий таржималар қилишни мақсад қилганман.

Ҳамза ЎЗТУРКЧУ:

“ҚАРДОШ МИЛЛАТ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА ТУҲФАЛАРИМ БОР”



— Ўзбек ҳикоячилиги борасидаги изланишинингиз эътирофга лойиқ. Айна изланишларингизни мужассам этган янги китоб нашри билан боғлиқ жараён ҳақида гапириб ўтгангиз...

— Номини юқорида айтиб ўтган китобим ўзбек ҳикоячилигининг қисқача тарихига бағишланган мақола билан бошланади. Бу мавзуда иккита адабий суҳбатни ҳам таржима қилганман. Мазкур китобда бугунги ўзбек носирларининг 30 та ҳикояси ўрин олган. Хусусан, Уткир Ҳошимов, Эркин Аъзам, Нурали Қобул, Хуршид Дав-

рон, Хайриддин Султон, Назар Эшонқул, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам каби устоз ижодкорлар ҳамда ёш носирлардан Жасур Кенгоев, Аслиддин Мустафо, Нодирабегим Иброҳимова, Жавлон Жовлиев, Маъруф Менгли, Гулноз Мармарасулова ва бошқаларнинг ҳикоялари ўрин олган. Ушбу ҳикоялар билан ўзбек ҳикоясининг адабий суратини турк тилида муҳрлашга ҳаракат қилдим. Шу ҳикоялар ичиди классик, модерн, пост модерн, сеҳрли реализм оқими билан ёзилган асарлар бор. Асарларни таржима қилар эканман, муаллифлар билан адабий таҳлил, таҳрир ҳам олиб бордик. Масалан, таржимаси туркчада маъносиз бўлиб қоладиган жумлаларни турк тилидаги мос тушадиган бошқа мўқобил жумлага, иборатга ўзгартирдик. Зеро, миллий уйғонши даври ёзувчи ва таржимонларидан бўлган истеъдодли таржимон Акшит Гўктуғ, “Таржимадаги умумий адабий тил — тилларнинг тили”, деб айтиб ўтган. Шу боис бадиий маъно таржимаси устида кўпроқ ишладик.

Албатта, ҳозир йўлнинг бошидаман. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўргани-

шим керак бўлган билимлар ҳали кўп. Таржима хусусида ҳам режаларим бисёр. Қардош халқ истиқлол байрамига адабий туҳфаларим бор. Яқинда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек ҳикоялари” ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллигига бадиий туҳфа бўлди, десак, мақтовга йўйманг.

Эндиликда дастлабки турк миллий уйғонши даври ёзувчиларининг романларидан бирини ўзбек тилига таржима қилиш ниятидаман. Шунингдек, янги адабиёт намуналари таржималари билан ҳам шуғулланмоқчиман. Узим ҳам ҳикоя ва шеърлар ёзаман. Йил мобайнида ўз ҳикоялар тўпلامини Туркияда ва Ўзбекистонда чоп этиб, икки халқ китобхонларига тақдим этишни мақсад қилдим. Келгусида қардош халқлар ижодий ҳамкорлиги доирасида бадиий таржима фаолиятимиз янада самарали бўлади деб умид қиламан. Зеро, адабий алоқалар — абадий алоқалардир.

— Сўхбат учун ташаккур. Ижодингиз бардавом бўлсин.

Юлдуз ЎРМОҢОВА сўхбатлашди.